



А Ж Р И М

(даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

Риштон тумани

2023 йил 8 февраль

4-1505-2302/50-сонли иш

Риштон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Мирзаматов раислигида, судья ёрдамчиси Д.Хомидовнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар [REDACTED] жавобгар – [REDACTED] ва [REDACTED] ўртасида 2020 йил 13 июль куни тузилган 28-сонли, 2020 йил 27 июль куни тузилган 97-сонли ва 2020 йил 2 октябрь куни тузилган 88-сонли ҳисоб шартномаларини кўзбуямачилик учун тузилганлиги сабабли, ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иқтисодий ишни, тарафлардан жавобгар вакили Х.Ашуров (2023 йил 7 февраль кунидаги 1-сонли ишончнома асосида), жавобгар адвокати Х.Қосимов (ордер асосида) иштирокида Риштон туман судлари биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED] (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) [REDACTED] даъво ариза билан мурожаат қилиб, [REDACTED] (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ва [REDACTED] (кейинги матнларда кўшимча жавобгар деб юритилади) ўртасида 2020 йил 13 июль куни тузилган 28-сонли, 2020 йил 27 июль куни тузилган 97-сонли ва 2020 йил 2 октябрь куни тузилган 88-сонли ҳисоб шартномаларини кўзбуямачилик учун тузилганлиги сабабли, ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг ажрими билан кўшимча жавобгар сифатида “Import trade line” масъулияти чекланган жамият жалб қилинган.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисида ўз вакили иштирокини таъминламади.

Жавобгар вакили суд мажлисида даъво аризаси бўйича ўз эътирозини билдириб, суд мажлисига даъвогар вакили келмаганлиги сабабли, тегишли қонунчиликка асосан даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни сўради.

Жавобгар адвокати биринчи суд мажлисига даъвогар вакили келмаганлиги сабабли, тегишли қонунчиликка асосан даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни сўради.

Кўшимча жавобгар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисида ўз вакили иштирокини таъминламади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (кейинги матнларда ИПК деб юритилади) 170-моддасининг 3-қисмига асосан,



иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин, шу сабабли суд низони қўшимча жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, даъвогар суд мажлисида ўз вакили иштирокини таъминламади.

Ваҳоланки, суднинг 2023 йил 23 январдаги ажримида даъвогарнинг зиммасига судга ишга дахлдор ҳужжатларни тақдим этиш тавсия этилиши билан бирга, суд мажлисида вакил иштирокини таъминлаш шартлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 107-моддаси биринчи қисми олтинчи бандига мувофиқ, даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарорининг 21-бандига ИПКнинг 107-моддасида кўрсатилган даъво аризасини кўрмасдан қолдириш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланиши ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Юқоридагиларга асосан, суд даъвогар вакили дастлабки суд мажлисига келмаганлигини, судга ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаганлигини ҳамда жавобгар вакилларининг мазкур даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақидаги оғзаки илтимосларини инобатга олиб, мазкур аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси талабидан келиб чиқиб, даъво тақдим этишда тўланган суд харажатларини уни тўлаган шахс зиммасида қолдиришни лозим топади.

Мазкур ҳолатда даъвогар давлат божи тўловидан озод эканлигини инобатга олиб, олдиндан тўлаб чиқилган почта харажати даъвогар зиммасида қолдирилиши лозим.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 118, 195, 196-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Даъво аризаси тақдим этишда тўланган 30 000 сўм почта харажатлари Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси зиммасида қолдирилсин.

Ажрим устидан бир ойлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судига апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Ш.Мирзаматов

